



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МILLIY HUKUMAT KAT'ABI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил  
3 октябрь  
ШАНБА  
№ 79  
(12.195)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz



## САВДО ВА ХАРИДИНГИЗГА БАРАКА

Ҳаётимизни бозорларсиз тасаввур қилиш қийин. Озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж маҳсулотлари ҳамда рўзгор ашёларини харид қилиш учун кунда-кунора бозорга боришга тўғри келади.

Яқиндагина қуриб, битказилган Оҳангарон шаҳар деҳқон бозори бугун харидорлар билан гавжум. Бу ерда сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам бирдек шарт-шароитлар яратилган. 120 ўринли савдо расталарида турли полиз экинлари, ҳўл мева, дон маҳсулотлари, хушбўй зира-ворлар-у, кўкатларни ҳам топиш мумкин. Бозор атрофи ободонлаштирилган бўлиб, манзарали дарактлар, арчалар ва турфа гуллар баҳри дилингизни очади. Йўлаклар текисланиб, асфальт ётқизилган.

— Кейинги пайтда бозорларга эътибор кучайганидан ҳамма хурсанд, — дейди сотувчи Тўрабой Турсунов. — Бугун ҳар томонлама қўлай, саранжом-саришта, расталарда савдо қиляпмиз.

Бозор марказига мўъжазгина фаввора қурилган. Санитария-гигиена талабларига мос ичимлик сув таъминоти йўлга қўйилди. Шу билан бирга бозор ҳудудида ишлаб турган 8 та дўконга ҳавасга кириб, ул-бул харид қилгингиз келади. Йил охиригача яна 9 та дўкон қуриш режалаштирилган. Эътиборли томони шундаки, бозор ва дўконларда терминаллар ўрнатилган бўлиб, хоҳловчилар харидлари пулини пластик карточка орқали тўлашлари мумкин.

**СУРАТЛАРДА:** Оҳангарон шаҳар деҳқон бозорида савдо қилиш.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



Соғлом она – соғлом бола

## ОИЛАНИ АСРАШ КИМГА БОҒЛИҚ?

Вилоят адлия бошқармасида "Соғлом оила, соғлом она ва бола, тарбия – ҳаммамизга дахлдор" шиори остида семинар ташкил этилди.

Семинар республика Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлашга бағишланди. Унда шаҳар ва туманларнинг фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимлари мудирлари, репродуктив саломатлик марказлари, "Маҳалла" жамғармалари, тиббиёт бинолари, аёллар маслаҳатхоналари, диний идоралар раҳбар ва вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла маслаҳатчилари иштирок этди. Тадбирда юқоридаги қарорнинг ижроси юзасидан вилоят тиббиёт ходимлари масъулиятини ошириш, бу борада ҳамкорликни кучайтириш, оилада бола тарбияси ва соғлом турмуш тарзини тўғри шакллантириш, тартибли овқатланишнинг аҳамияти ҳамда репродуктив саломатлик ва соғлом бола каби мавзуларда қизиқарли маърузалар тингланди.

— Баъзан 18 ёшга тўлмаган қизларнинг турмушга чиқаётганини қўриб, ачинасан киши, — деди вилоят

адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Гулсара Исахонова. — Улар оила нима эканлигини ҳали яхши тушунмасликлари, турмушга чиқишга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр эмасликлари кўпгина чигалликларни келтириб чиқариб, хунук оқибатларга олиб келмоқда. Бунини кўра-била туриб, айрим ота-оналар, маҳалла кўйи, тиббиёт ходимларининг жим турганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Қадимдан ўзбек халқи оилани муқаддас ҳисоблаб келади. Бироқ, сўнгги пайтларда "нотинч оила" ёки "ноқобил фарзанд" ибораларининг бот-бот тилга олинаётгани, оила тушунчасига бефарқ ва лоқайдлик билан қаралаётгани ачинарлидир.

Шу билан бир вақтда тарғиботларга қарамай, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ҳамон учраб турибди. Оқибатда қанчадан-қанча ногирон ва мажруҳ фарзандлар туғилмоқда. Яхши ниятлар билан қурилган оилалар пароканда, фарзандлар эса, сарсон-саргардон.

Семинарда бундай номақбул хатти-ҳаракатлар қаттиқ танқид қилиниб, келгусида уларнинг олдини олиш мақсадида самарали чора-тадбирлар қўриш ҳақида келишиб олинди.

**ХУРШИДА НАЗАРОВА,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

## ИЛҒОР ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ТАНЛОВ

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан тасвир этилган Педагогик грантлар дастури учун танлов эълон қилинди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда юртимизнинг илғор ўқитувчилари, таълим тизими раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизни янада раванг топтириш, реал иқтисодиётнинг барча соҳаларини малакали кадрлар билан таъминлашнинг муҳим омили сифатида таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг изчил тат-

биқ этилиши натижасида таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, янги билим масканлари барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, янги давлат таълим стандартларини ўқув жараёнига жорий этиш, ўқитувчиларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича кенг қўлмал ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йўналишдаги вазифалар ижросини таъминлашда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси томонидан билим мас-

канларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, замонавий жиҳозлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2006 йилдан буюн ўтказиб келинаётган педагогик грантлар дастури учун танлов илғор, изланувчан, фаол ва фидойи ўқитувчиларни аниқлаш, уларнинг иш услубларини омаллаштириш, педагогларнинг касб малакаси ва маҳоратини янада юксалтириш имконини бермоқда. Танловда таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар ўзининг янгича педагогик технологиялари, соҳага оид лойиҳалари билан иштирок этиши мумкин.

Педагогик грантлар дастури учун 2009 йилги танлов ғолиблари 2010 йилнинг бошида аниқланади.

**Назкат УСМОНОВА,** Ўза муҳбири.

Таъбир

Кутубхона – маърифат ўчоғи. Ақл ва тафаккурни чарчлайдиган, илму урфон зиёсини таратувчи, соадатга элтувчи нуриль манзилдир. "Турон" вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган "Мутлоа – 2009" байрамида бу ҳақда алоҳида тўхталинди.

## ЗИЁ МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикаси алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, республика ахборот-кутубхона маркази ташкил этган тадбирда таниқли ёзувчилар, адабиётшунос олимлар ҳамда ёш китобхонлар иштирок этдилар.

Шуни айтиш кераки, "Турон" вилоят ахборот-кутубхона марказининг ўзига хос тарихи бор. У 1913 йилда маърифатпарвар жадидлар ташаббуси билан ташкил этилган. Ҳозирги кунда кутубхонада 380 мингдан зиёд китоб, 1918 йилдан буюн нашр қилинган газеталар сақланади. Тадбирда сўзга чиққанлар кутубхонанинг тарихи ва ундаги нодир китобларнинг аҳамияти ҳақида фикр юритдилар.

**Учкун ҲАМДАМОВ.**

## СИЗГА ОЛҚИШ, СИЗГА ЭҲТИРОМ

Истиқлол йиллари Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимидо олиб борилган изчил ислохотлар самараси ўлароқ, бугун мамлакатимиз ёшлари ҳар жиҳатдан етук,

баркамол бўлиб вояга етмоқдалар. Ўз навбатида, ўқитувчи ва мураббийларнинг бу йўлдаги фидокорона меҳнатлари муносиб қадру баҳосини топмоқда.

Юртбошимизнинг 1 октябрь – ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан йўллаган табригда бу касб эгаларининг шарафли меҳнати шундай эътироф этилгани бежиз эмас: "Биз бошлаган ишларнинг давомчили бўлган, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашдек ўта муҳим ва долзарб вазифа айнан сиз азиятларнинг – минг-минглаб мактабларимизда, лицей ва коллежларимизда, олий ўқув юртимизда фаолият кўрсатаётган фидойи ўқитувчи ва домлаларнинг зиммасига тузганини ва сизлар бу вазифани бутун борлигингизни бағишлаб, катта масъулият билан адо этиб келаётганингизнинг

аҳамияти ва моҳиятини бугун вақт ўтиши билан барчамиз тобора чуқур англаб етмоқдамиз". Вилоятимизнинг бир қатор туманларида ана шундай ёзозли инсонларнинг касб байрами кўтаринки руҳда, тантанавор тарзда нишонланди. Хусусан, байрам куни Ўза тумани "Кўкорол" фермер ҳўжалиқлари уюшмасидаги шийпон, Ўртачирчиқ туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт касб-хўнара коллежи, "Янгиҳаёт" қўرғонидидаги "Наргис" тўйхонаси, Янгийўл туманидаги "Чархпалак" кафеси, Пискент туманидаги "Баҳор", "Мафтуна" ресторанилари мактаб ва коллежларда ёшларга таълим-тарбия бераётган

устоз ва мураббийлар билан гавжум бўлди. Бир пиёла чой устида кечган файли байрам дастурларида элимиз ардоғидаги санъаткорлар, театр ва кино ижодкорлари иштирок этишди.

Ёш авлод тарбияси йўлида алоҳида ғайрат ва ташаббус кўрсатиб келаётган таълим фидойилари, тизим фахрийларига қимматбахо совғалар тортиқ этилди. Давраларда жаранглаган дилрабо куй-қўшиқлар шўх-шодон рақсларга уланди.

**СУРАТДА:** Ўртачирчиқ туманидаги "Наргис" тўйхонасида ўтган байрам кечасидан лавҳа.



Пахта – 2009

## МОДДИЙ РАҒБАТ — СУРЪАТГА ҚАНОТ

Вилоятимиз пахтакорлари учун масъулиятли давр бошланди. Барча туманларда йигиртермин жадал давом этмоқда.

Бу йилги мавсумнинг ўзига хос жиҳати шундаки, беистисно, барча теримчиларнинг меҳнати моддий рағбатлантирилмоқда. Энг юқори суръатларга эришаётганларга алоҳида мукофотлар тақдим этилаётир.

— Биз ҳам кўпчилик қатори вилоят ҳокимлигининг теримчиларни моддий жиҳатдан муносиб тақдирлаш ташаббусини амалда қўллаб-қувватлаш чораларини кўраяпмиз, — дейди Ўртачирчиқ туманидаги "Аб-

дусаттор ҳожи ота" фермер ҳўжалиғи раҳбари Мирзаумар Товбоев. — Хар килограмм пахта учун 100 сўмдан нақд ҳақ тўлашдан ташқари, кунлик теримга кечкурун якун чиқариб, энг кўп пахта терган шахсга 10 минг сўм мукофот ҳам бераймиз.

Мавсум арафасида 25 кишидан иборат жамоа ички имкониятларни аниқ ҳисобга олиб, ҳосилни маҳаллий аҳолини оммавий жалб этган ҳолда қисқа муддатда саранжомлаб олишга қарор қилди. Мана энди режали иш ўз самарасини бераётти. Марҳамат Сарибоева, Абдурашул Қарашов, Гулжаҳон Бўриева сингари илғорлар кунига 150-160 килограммдан пахта териб, мукофотга сазовор бўлишмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** илғор теримчи Абдурашул Қарашов; пахта қабул қилиш пайти.

**Собир ЗУФАРОВ** олган суратлар.



2010 обуна бошланди  
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
газетасининг индекси = 205.

## ХАРИДОРГИР АВТОМОБИЛЬ

Россия оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга кўра, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида Россия Федерацияси микёсида энг хари-доргир хориж ав-томобилларнинг рейтингини эълон қилинган. Ушбу рейтинг юкори ўринларидида мамлакатимизда ишлов чи-қарилган "Nexia" ва "Matiz" автомо-биллари ҳам бор.

Статистик маълумотларда Россиянинг "се-конд-хенд" бозоридида сотилаётган энг хари-доргир автоуловлар рўйхати ҳам қайд этил-ган. Рейтингдаги "BMW", "Opel", "Audi", "Mitsubishi", "Honda", "Nissan" каби дунёдаги таникли автомобиллар катогорига ўзбек автома-шиниси – "Matiz" ҳам киритилган. Россия Фе-дерациясида ўтган олти ойда 7,5 минг "Matiz" сотилган.

Ў.А.

## Марказий сайлов комиссиясида

Сайловнинг ошқора ва эркин, демократик таъминотларига мос ҳолда ўтказилишида оммавий ахборот воситалари фоят муҳим ўрин тутди.

## БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддиси қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенга-шларига сайловларга тайёргар-лик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича Концепцияга мувофиқ оммавий ахборот воситалари жорий, 2009 йилда ҳам сай-лов жараёнини кенг ёритиб боради.

Шу муносабат билан Ўзе-кистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловга тайёргар-лик кўриш ва уни ўтказиш жа-раёнини ёритиш бўйича Ўзе-кистон Миллий телерадиоком-панияси, шунингдек, Ўзбеки-стон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ах-борот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувва-лаш ва ривожлантириш жамо-ат фонди билан битимлар им-золанди.

Ушбу битимлар сайлов жа-раёнининг очикилиги ва ошқо-ралигини таъминлаш, мамла-

катимиз ва чет эл жамоатчи-лигини Ўзбекистонда сайлов-га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича барча тадбир-лардан кенг хабардор қилиш мақсадида имзоланди. Битим-ларда аҳоли ўртасида мил-лий сайлов қонунчилигини – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаро-лар сайлов ҳуқуқлари қафо-латлари тўғрисида"ги, "Ўзе-кистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғриси-да"ги қонунлари моддалари ҳамда сайлов жараёнини тар-тибга солувчи бошқа меъё-рий-ҳуқуқий ҳужжатларни сайловчилар ўртасида тушун-тириш бўйича ишларни самар-рали ташкил этиш борасида-ги чора-тадбирлар кўзда ту-тилган. Депутатликка номзод-ларга, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқоти олиб боришда оммавий ах-борот воситаларидан, жумладан, тенг эфир вақти ва босма майдони ажратиш орқали уларга тенг шароит яратили-шига алоҳида эътибор қар-тилган.


Ў.А.

## ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

## Саломат бўлинг

Юртимизнинг чекка-чекка қиш-лоқларида ҳам аҳоли саломатли-гига алоҳида эътибор қаратилмоқ-да. Юқоричирчиқ туманидаги Сак-сон ота қишлоқ врачлик пункти

1994 йилдан буён қишлоқ аҳли са-ломатлигини мустаҳкамлашга хиз-мат қилмоқда. 17 хонали бу шифо маскани 1997 йилда капитал таъ-мирланди.



– Биз, Саксон ота, Мар-казий даҳа, «Тоштўқизок» маҳалла фуқароларига хиз-мат қўрсатамиз, – дейди бош шифокор Болтаҳўжа Бекхўжаев. – Шифокор ва ҳамшираларимиз олий тои-фали, касбларининг мала-кали мутахассиси.

Эътиборли томони шун-даки, бу ерда аҳолига қулайлик яратиш мақсади-да кундузги даволаниш ўринлари ташкил қилинган.



## ШАҲАРГА ҚАТНАШДАН ҚУТУЛИШДИ

Тез ёрдам хизматининг куну-тун ишлаши йўлга қўйил-ган.

"Жайка" халқаро агент-лиги 2007 йилда 49 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган бўлиб, пункт электрокардиограм-ма, долер аппарати, ФЭК аппарати, аккумуляр микро-скопи, дистиллятор, центра-фуга, автоклав каби энг за-монавий тиббиёт жиҳозла-ри билан таъминланган.

– Бугунги кунда 8374 нафар фуқаро билан мун-тазам иш олиб борамиз, – дейди шифокор Гулнора

Алимбоева. – Бундан таш-қари, туғиш ёшидаги 2230 аёлни доимий назоратга олганмиз. Қолаверса, 14 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ва катталарни тез-тез кўридан ўтказиб тураемиз.

Саксон ота пунктнинг 2005 йилдаги "Аҳолининг арз ва шикоят дафтарчаси"-га назар ташласак, "Хур-матли Болтаҳўжа Бекхўжа-ев, сиз бошлиқ тиббиёт ходимларининг хизматла-ридан миннатдормиз, аммо, дорихона масаласи бизни қийнапти", деб

ёзилган экан. Пунктнинг бугунги фаолиятидан кўри-ниб турибдики, ҳозирда бундай камчиликлар барта-раф этилган. Дорихона ҳам, турли дори-дармонлар ҳам пунктнинг ўзидида бор.

Эндиликда қишлоқ фуқа-ролари кўридан ўтиш ёки шифокор муолажаси, дори-дармон хариди учун шаҳар марказига боришмайди.

**Ирода НОРОБОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири.

**Даврон АХМАД**  
олган суратлар.

## Хотира УНУТМОҚ ОСОНМАС...

Халқимизда "Ён қўшни – жон қўшни" деган гап бор. Яхши кўнларингда ҳам, ташвишли да-мларингда ҳам ёнингга кечая кунда ҳамдард, ҳамдўст бўлиб турадинг – ён қўшинингдир. Агар қўшининг сен билан ҳамфирқ бўлса, боз устига маърифий-дунёвий қарашлари, тафаккур дои-раси кенг олимни замон бўлса, бунга нима етсин!

Бир вақтлар бошимга оғир кўнлар тушиб, уйсиз-жойсиз қолган дамларимда бутун оиламиз билан янги уйга кўчиб бордик. Шунда менга уй-жой учун ҳужжат беришарканда "қўшним ким", деб сўрадим. Бошқа-рувчи:

– Тўхтамурод Жўраев, математик олим, – деб қолди.

– Математик дедингиз-ми?

– Ҳа, физика-математика фанлари доктори.

– Ундай бўлса, жон-жон деб кўчиб борганим бўлсин. Ўзим математикларни яхши кўраман, улар илм-фаннинг бошқа соҳаларини ҳам яхши биладиган, зукко, ақл-фа-расотли бўладилар, – де-дим.

"Математика фанининг бебаҳо хусусияти шундаки, у кишининг мантикий мухо-кама қобилиятини ўстиради. Математиканинг жони – та-факкурда, мантикий мухока-мададир. Ундаги ҳақиқатларни қатъий, кетма-кет, мантикий мухокама билан-гина ошқор этиш мумкин". Бу фикрлар атоқли олим Кори Ниёзийга мансубдир.

"Ўзбекистон овози" газе-тасида ишлаган кезларим жамоатчилик асосида Маъ-навият ва маърифат кенга-ши тузганимизда Кори Ниё-зий ана шу кенгашга раис эди. Газетанинг қизқарлик, мазмунли қилишида ўша олижаноб инсон кўп эъти-борли ишлар қилган. Унинг фикр-тафаккур дунёси кенг, Ўзбекистон Фанлар ака-демиясининг биринчи прези-денти, ҳаётнинг катта мак-табини ўтаган илму маъри-фатли, обрў-эътиборли киши эди. Худди ана шун-дай ўзбек математика мак-табининг атоқли олимлари Тошмухаммад Саримсоқов, Саъдий Сироидидиновлар ҳам ўз илмий мақолалари билан фаол қатнашарди. Менинг кадрдон қўшним Тўхтамурод Жўраев ўша вақтларда хали ёш, пишиб-етилиб келаётган иктидорли олим эди. У дунёдаги машҳур илмий мактаблар-да камол топиб, тезда кўзга

кўриниб, бора-бора мате-матика институтининг ил-мий ходимидан шу инсти-тутнинг директори, Тош-кент давлат университети ректори даражасигача кўта-рилди. Шу билан бирга математика фани ривожига катта ҳисса қўшиб келган етук олим, ёшларнинг меҳ-рибон мураббийсига айлан-ди. Агар сиз Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Математика институти томи-нидан олимнинг етишиш йиллигига бағишлаб чоп этилган маълумотларга на-зар ташласангиз, унинг ма-тематика фанининг қийин ва мураккаб пиллаояларидан қадам-бақадам кўтари-либ борганининг гувоҳи бўласиз. Тўхтамурод Жўра-ев математик дифференци-ал тенгламаларнинг ҳали кўп ўрганилмаган долзарб, мураккаб масалаларини тўғри қўйиш ва ечиш усул-ларини яратди. Шу билан бирга ўз вақтида гоят му-раккаб саналиб келинган икки ўлчовли фазо (текс-ликдан исталган ўлчовли фазовий соҳаларга ўтиш масаласи ҳал этилди. Олим-нинг илмий изланишлари муаммонинг долзарблиги ва уларни ечиш усуллари-нинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. У учта мо-нография, учта дарслик ҳамда республика ва халқ-аро илмий журналларда нашр этилган 300 га яқин илмий асарлар муаллифи-дир. Буларнинг барчаси Тўхтамурод Жўраевнинг фидойилиги туфайлидир. У қанчадан қанча халқаро ил-мий академияларнинг фак-рий аъзоси, икки муддат Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты бўлди. "Дўстлик", "Меҳнат шухрати" орден-лари билан тақдирланди. Дифференциал тенглама-лар назарисини бўйича ил-мий тадқиқотлари учун Абу Райҳон Беруний номидаги республика давлат мукофо-тига сазовор бўлди.

Олим бўлиш бошқаю, одам бўлиш бошқа, дейи-шди. Қўшним Тўхтамурод Жўраевнинг инсонийлик жиҳатлари ҳам алоҳида хур-

мат-эҳтиромга лойиқдир.

Баъзан Тўхтамурод: – Бизникига қичқин, ке-линингиз Замирахон ош дамлаб қўйибди, – деб қоларди.

Ош баҳона, дийдор гани-мат дегандек, қўшнимники-га чикардим. Дид билан тўқин дастурхон тузалган. Баъзан олимнинг ҳамма фарзандлари, неваралари, келин-куёвлари ҳам ана шу меҳмондўст хонадонда ҳозир нозир бўлиб қоли-шарди. Катта ўғил Искан-дар, Жаҳонгир, севимли қизлари Умида... Ота-она бўлса, ана шу меҳрли фар-зандлари, келинлари, нева-ралари ардоғида. Уй бека-си, Тўхтамуроднинг севим-ли умр йўлдоши Замирахон ҳамма ишга бош-қош. Аҳа! Бир чиройли, маърифатли оила. Бир ўзбек зиёлисин-инг турмуш тарзини кўринг, ҳавас қилинг, дей-ман ўзимга ўзим. Ойладаги бундай тўқис бахт инсонда-ги маънавий бойлиқнинг натижаси, дегим келди.

Бир кун Тўхтамуроднинг хонадонига кирсам, энг ки-чик неваралари Отабек ки-тобдан бош кўтармай ўтир-ган экан. Унга салом бер-дим. Бошини китобдан кўта-риб, чопганча келиб қўриш-ди. Шунда уй бекаси Зами-рахон:

– Негга унга салом бера-сиз, – деб қолди.

– Буюк ҳакам Ибн Сино кўчада кетаётган экан, ол-дидан жилд кўтарган бир ёш бола чиқиб қолдибди, – дегандим эски ривоятни эслаб. – Ибн Сино унга: "Ассалому алайкум" деб-ди қўл қовуштирибди. Бола алик олиб ўтиб кетдибди. Шунда шогирди: "Устоз, нечун ёш болага салом берурсиз?" – деб сўраб-ди. Ибн Сино: "Бу бола, катта бўлган олимга уламо бўлиб қолса нима дейсиз", – деган экан.

Шу гапнинг устига дар-возадан Тўхтамурод кириб қолганди.

– Қўшни, ниҳоятда зўр одамсиз-да. Гапларингизга фаршталар омин десин, – деб мени бағрига босган-ди...

Афсус, халқимизнинг асл фарзанди бўлган шундай инсон бугун орамизда йўқ. Ундан улкан илмий мерос ва ана шундай дилқаш хо-тиралар қолди.

Мақсуд КОРИЕВ.

## Пукма

## ТААЖЖУБ ВА ТАШВИШ БОИСИ

Кейинги ойларида Зангиота туманида йўловчи ташвиш тизими изчил йўлга қўйи-лаётгани аҳолига маълум бўлаётган эди. Чу-нончи, Ўртаовул билан Эшонгузар орални-да 592-маршрут бўйича автобус қатнай бош-лагани ҳаммани хурсанд қилганди.

Ўртаовул ва Куёшли шаҳарчалари, Эркин ва Қаҳрамон қишлоқлари аҳолисининг мушуқуллари осон бўлиб, ўз юмушлари

билан туман марказига, От-чопар ва Уриқзор бозорла-рига қатнашлари осонлаш-ди. Бу автобус қатновининг йўлга қўйилиши Қаҳрамон

ва Ўртаовул қишлоқ ҳўжа-лик касб-хўнар коллежлари, Зангиота академик лицейи ўқувчи ва ўқитувчиларини қанчалик қувонтирилганли-гини-ку, қўйверасиз! Туман аҳолисининг шундай қулай йўналиш очган автокорхона раҳбарларидан миннатдор-чилигини айтмайсизми?!

Бирок, бу хурсандчилик узоққа бормайди. 592-йўна-лиш қандай очилган бўлса,

ой ўтмаёқ, шундай ёпилди. Табиийки, бу ҳол, қулайлик-ка ўрганиб қолган йўловчи-ларни ҳам таажжублантир-ди, ҳам ташвишга солиб қўйди. Хамма хайрон: "Бу номақбул қарорни қабул қилганлар кимнинг, аниқ-роғи ниманинг ташвишида экан?"

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**  
"Тошкент ҳақиқати"  
мухбири.

Ойлада фарзанд-нинг соғлом бўлиши ва баркамол ўсиши ҳар бир ота-онига қувонч бағишлайди. Ҳозирги кунда ота-оналардаги турли хасталикларнинг вақтида олдини ол-маслик натижасида ногирон болалар дунёга келиши ку-затишмоқда. Бундан кўриниб турибдики, лоқайлик оқибати-да касалликлар нас-лимизга ҳам ўз таъ-сирини кўрсатмоқда.

Маълумотларга қараган-да, наслий касалликларнинг 2000 дан ортиқ тури мав-жуд бўлиб, улар ички азъо-ларнинг зарарланиши ва бош мия шикастланиши

## КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Бухородаги Ба-ҳоуддин Нақшбанд меъморий ёдғорлик мажмуида "Нақш-бандия ва комил инсон тарбияси" мавзуда республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Ватанимиз тарихи ва халқимиз маъ-навиятида ўчмас из қол-дирилган буюк аждодларим-из, аллоҳма ва азиз-авлиёларимиз ҳақидаги тарихий адолат қайта тик-лангани, уларнинг маъна-вий меросини ўрганиш бо-расида бетимсол ишлар амалга оширилаётгани таъ-кидланди. Баҳоуддин Нақшбанднинг инсон руҳий камолотидаги хизмат қилув-чи гоёлари, Нақшбандия тарикатининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жа-мийат қурилиш академия-си профессори Нахмид-дин Комиллов, Республика Маънавият тарғибот мар-кази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олим, Бухо-ро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ин-ститути кафедра мудири, фалсафа фанлари доктори Гулчехра Наврўзова ва бошқалар маъруза қилди.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги "Хусусий операторлар фаолиятини ташқил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан

## "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ қайта танловда қатнашишга таклиф этади.

**Танлов номи** – Янгийўл шаҳри истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташқил этиш учун инвестор танлови.

**Танлов ўтказилишининг асосий шартлари:** Танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташқил этиш ва ушбу операторга юклатилган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ унинг фаолиятини ташқил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

**Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд:** Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри.

**Танлов ташкилотчиси** – "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ.

**Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар:** Инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудда электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудидида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматиға тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк қаролати;

● Танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

**Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати:** Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазаева) кўчаси, 42. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

**Ариза беришининг сўнгги муддати** – 2009 йил 2 ноябрь, соат 18.00 гача.

**Қайта танлов ўтказиш муддати** – 2009 йил 3 ноябрь, соат 10.00 да.

**Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов иштирокчисига қўйиладиган ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

● Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбир-корликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

● Давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тўзилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

● Давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;

● Инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотомасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда икки-ламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

● Инвестор "Ўзбекэнерго" ДАК ва ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида "Ўзбекэнерго" ДАК маълумотномаси;

● Инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

**Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:**

● Танлов ҳужжатлариға мувофиқ барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

● Тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

● Танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам муддат ичиди таъсис этилган;

● "Ўзбекэнерго" ДАК ва ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамасида бўлган.

**Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби.**

Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинмадиган махфий ахборотни ошқор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қийрали СКБ, МФО 00884, ИНН 201221748, ОКОНХ 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазаева) кўчаси, 42, "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ. Телефон: 236-91-01.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан қафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади. Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисиға танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар кун маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10:00 дан 17:00 гача мурожаат этишлари мумкин.

"Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ.

## Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

"Республика Кўчас мулк биржаси" ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига таклиф этди!

1. Аукцион савдосига Чиноз тумани СИБ томонидан қўйилган авто-транспорт воситалари қўйилмоқда: "Чиноз-Умид" ИЧКга тегишли корхонада сақланган (23.06.08 й., № 11-0807/4884, 04.08.08 й., № 11-0828/6902, 06.10.08 й., № 11-0828/8824, 28.11.08 й., № 11-0828/14091, 28.11.08 й., № 11-0828/14092 ижро ҳужжатлари асосан хатланган) 1. "Несия" русумли, д/р 11АВ709 бўлган, 1999 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 855 360 сўм. 2. "Тико" русумли, д/р 11АН866 бўлган, 2000 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 291 640 сўм. 3. "Ваз-21099" русумли, д/р 11АВ461 бўлган, 1995 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 089 566 сўм. 4. "Камаз-5410" русумли, д/р 11АА284 бўлган, 1983 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 440 670 сўм. 5. "Камаз-5410" русумли, д/р 11АО337 бўлган, 1982 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 5 129 015 сўм. 6. "Камаз-5511" русумли, д/р 11АА277 бўлган, 1988 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 4 801 773 сўм. 7. "Камаз-5410" русумли, д/р 11АА293 бўлган, 1987 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 945 сўм. 8. "Камаз-5320" русумли, д/р 11АА240 бўлган, 1988 йилда и/ч, "Чиноз-матбўтининг" МЧЖ оморидида сақланган авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.06.09й., №2486). Бошланғич баҳоси — 14 527 694 сўм.

И. Аукцион савдосига Қўйилган тумани СИБ томонидан "Аргин-савдо" да сақланган қўйилган қўйилмоқда: 1. "УАЗ-542" русумли, д/р 11В6513 бўлган, 1982 йилда и/ч авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 10.09.09 й., № 10356/7). Бошланғич баҳоси — 1 527 500 сўм. 2. "УАЗ-2411" русумли, д/р 30N4652 бўлган, 1987 йилда и/ч авто-транспорт воситаси (20.08.09 й., № 9975/7). Бошланғич баҳоси — 1 034 273 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 3 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Талабдорлар диққатига! Юқоридagi аукцион савдосига 2009 йил 3 ноябрдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, мазкур авто-транспорт воситаларини сотиш юзасидан такоррий аукцион савдоси 2009 йилнинг 24 ноябрь куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz, расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Шунингдек, 2009 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такоррий қўйилган авто-транспорт воситалари қўйилмоқда.

И. Аукцион савдосига Зангиота тумани СИБ томонидан: 1. "ГАЗ-6605" русумли, д/р 10U4951 бўлган, 1978 йилда и/ч, Зангиота т., "Туяш" ХХСК оморидида сақланган авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 28.07.04 й., № 175/2004). Бошланғич баҳоси — 298 587,85 сўм. 2. "ГАЗ-6605" русумли, д/р 30M6054 бўлган, 1984 йилда и/ч, Зангиота т., А. Эшонхўжаев кўчаси, 2-уйда сақланган авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 26.05.06 й., № 1-270/2006). Бошланғич баҳоси — 1 094 400 сўм. 3. "ВАЗ-21061" русумли, д/р 11Q8820 бўлган, 1991 йилда и/ч, Зангиота т., Қўшқил қўрғонидида жойланган № 2962 ҳарбий қисмида сақланган авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 06.10.08 й., № 61/08). Бошланғич баҳоси — 5 875 000 сўм.

— Зангиота т., "Матлуботсавдо" МЧЖ оморидида сақланган (12.02.08 й., № 21 ижро ҳужжати асосан хатланган) 4. "BMW-520" русумли, д/р Х9200SM бўлган, 1990 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 991 013 сўм. 5. "Mercedes-Benz-220" русумли, д/р Х234XUM бўлган, 1995 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 19 368 521 сўм. 6. "NISSAN MURANO" русумли, д/р В360POM бўлган, 2007 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 49 691 727 сўм. 7. "Москвич-А3ЛК" русумли, д/р 11E9675 бўлган, 1985 йилда и/ч авто-транспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 1 936 851 сўм.

IV. Аукцион савдосига Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан "Мерседес Бенц-200" русумли, д/р Х362DDN бўлган, 1987 йилда и/ч, Чирчиқ ш. Истикбол кўчаси, 8-уйда сақланган авто-транспорт воситаси (ижро ҳужжати 29.01.09 й., № 1-52/09). Бошланғич баҳоси — 11 222 748 сўм.

Савдога қўйилган авто-транспорт воситалари билан тегишли сўл иж-рочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб та-нишсин мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдор-лардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганликда заклат қилишга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИБК "Ипак йўли банк"нинг Савдо ф-да қўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Уразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.

## ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси  
Паркент туманида хусусий амалиёт билан  
шугулланувчи нотариус лавозими учун  
қайта танлов эълон қилади.

Танловда нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини  
берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли  
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари  
мумкин.

Талабдорлар Тошкент вилоят адлия бошқармасига  
шахсан қўйилган ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:  
А) Малака комиссияси номига ариза;  
Б) паспорт нусхаси;  
В) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақ;  
Г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусха-  
си;  
Д) нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берув-  
чи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;  
Е) нотариал фаолият билан шугулланиш ҳуқуқини берув-  
чи лицензияга эга бўлиб, лекин уш йил мобайнида нотариус  
лавозимида иш бошлаган талабдорнинг қайта малака  
комиссиясини топишганлиги ҳақида Малака комиссиясининг  
каридориди кўчирма;  
Ж) охириги йил жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғри-  
сидаги тавсифнома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар жорий йил-  
нинг 23 октябрь кунига қадар Тошкент вилоят адлия бош-  
қармасига муҳофазат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Яккасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй.  
Телефонлар: 253-84-30, 280-51-03.

## ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, тадбиркорлар,  
шахримиз ва вилоятимиз аҳолиси диққатига!

Тошкент вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси  
